

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2022 йил декабрь ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман суди, суд биносида, ВКА режимидаги очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси И.Жаббаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Саримсақовнинг котиблигида, тарафлардан Чортоқ туман прокурори ёрдамчиси С.Собиров, судланувчи А.Тошматов, жабрланувчилар Б.Шарипов, О.Бойханов, Ж.Мамажанов ва М.Халимовнинг иштирокида, Тошматов Алишер Махамаджановичга нисбатан 1-1610-2201/288-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Тошматов Алишер Махамаджанович - 1986 йил 17 августда Чортоқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2022 йил 22 августдаги ҳукмига кўра ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан судланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида 27.000.000 сўм жарима жазоси тайинланган, жаримани 16.750.000 сўм қисмини тўламаган, Чортоқ тумани, “Бўлон” МФЙ, Садоқат кўчаси, 112-уйда яшайди, иш бўйича 2022 йил 10 ноябрда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2022 йил 8 ноябрда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланган, айблов ҳулосаси нусхасини 2022 йил 1 декабрда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан айбланган;

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Тошматов, 2022 йил февраль ойи бошларида О.Бойхановни қўшниси Б.Шарипов орқали, унга 10 бош қорамолларни бериб туришни, эвазига 20 кунда 51.000.000 сўм миқдоридаги пулларни муаммо қилмасдан олиб келиб беришига О.Бойхановни ишонтириб, алдаб, ундан 10 бош қорамолларни олиб кетиб, уларни дастлабки тергов ҳаракатлари давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

-такроран, 2022 йил март ойида М.Халимовга, унга АТБ “Капиталбанк” Наманган филиалида таъқиқда бўлган бўлган М.Нишанов номидаги “Lacetti”



русумли 50M338QA давлат рақамли автомобилни ҳеч қандай муаммоси йўқлиги, ўзига тегишли эканлигини айтиб, алдаб, автомашинани 8.500 АҚШ долларига сотиб, М.Халимовдан 4.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

-такроран, 2022 йил 1 май куни, Б.Шариповга номида бўлган “Нексия 1” русумли 50H278GA давлат рақамли автомобилни 2.600 АҚШ долларига унга сотишни, пулларини 20 кунда аввалги қорамол пулларига қўшиб беришига ишонтириб алдаб, автомобилни олиб кетиб, А.Холматовга 2.300 АҚШ долларига сотиб юбориб, пулларни шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

-такроран, 2022 йил 20 май куни, Б.Шариповни алдаб, унга 4.500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни бериб туришни, эвазига АТБ “Капиталбанк” Наманган филиалида таъқиқда бўлган М.Нишанов номидаги “Lacetti” русумли 50M338QA давлат рақамли автомобилни ҳеч қандай муаммоси йўқлигини айтиб қолдириб, Б.Шариповдан 4.500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

-такроран 2022 йил август ойида, Ж.Мамажановни алдаб, ундан тасарруфида бўлган “Lacetti” русумли 01X274LB давлат рақамли автомобилни 10.500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларга сотиб олиб, олдиндан 2.500 АҚШ доллари бериб, қолганини икки йил давомида ҳар ойда 330 АҚШ долларидан муаммо қилмай беришига ишонтириб, Ж.Мамажановдан “Lacetti” русумли 01X274LB давлат рақамли автомобилни олиб кетиб, пулларини бермасдан, автомашинани Д.Сатимовдан бўлган 3.300 АҚШ доллари миқдоридаги қарзи эвазига гаров тариқасида ташлаб кетган.

Судланувчи А.Тошматов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, кўрсатув беришдан бош тортиб, дастлабки тергов вақтидаги кўрсатувларини тасдиқлашини билдирди.

Гарчанд, судланувчи А.Тошматов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб кўрсатув беришдан бош тортган бўлса-да, уни жиноят содир этганликдаги айби қўйидаги далиллар билан ҳам ўз исботини топган. Жумладан;

жабрланувчи Б.Шариповни суд мажлисидаги, судланувчи А.Тошматов кўшниси бўлиши, 2022 йилнинг январь ойида А.Тошматов унга сотиладиган қорамоллар бўлса бериб туришини, 20 кунда пулларини беришини айтиб ишонтиргани, ўзида қорамоллари йўқлигини айтганида, бирор-бир танишидан олиб беришни илтимос қилгани, шунда уни гапига ишониб, кўшниси О.Бойхановни яшаш хонадонига кириб, ундан 10 бош қорамолларни 20 кунда бериш шарти билан 51.000.000 сўмга келишиб олиб бергани, орадан 20 кун вақт ўтиб, А.Тошматовдан қорамолларни пулини сўраганида, турли бахоналар қилиб қочиб юргани, шу орада кўшниси О.Бойханов ундан пулларини талаб қилавергани сабабли унга 19.000.000 сўм миқдоридаги пулларни беришга мажбур бўлгани, А.Тошматов О.Бойхановга 11.000.000 сўм пулларни у орқали бергани, 2022 йил 1 май куни А.Тошматовдан қолган пулларини сўраганида, у



ундан “Нексия1” русумли автомашинасини 2.600 АҚШ долларига беришини, пулларини 20 кунда аввалги 51.000.000 сўмга қўшиб битта қилиб беришини айтгани, у яна А.Тошматовни гапларига ишониб, атомашинасини А.Тошматов автомашинани сотган “Расулжон” исмли шахсга тўлиқ расмийлаштириб бергани, бироқ А.Тошматов орадан 20 кун ўтса ҳам автомашина ҳамда қорамолларни қолган пулларни бермагани, 2022 йил 20 май куни ундан яна пулларни сўраганида ўзига тегишли бўлган “Жентра” русумли автомашинаси борлиги, ушбу автомашинаси Наманган шаҳарда яшовчи танишларида гаровда экани, гаров учун 4.500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни берса, автомашинани гаровдан олиб чиқиб, унга беришини, хохлаسا автомашинани сотиб шундан ҳақларини ечиб олишини, хохласа ўзи ҳақлари эвазига олиб қолишини айтгани, у яна А.Тошматовни сўзларига ишониб, унга 4.500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни бергани, шундан сўнг А.Тошматов унга “Жентра” русумли 50?604?? давлат рақамли автомашинани ўзини номида эканини айтиб ташлаб кетгани, у автомашинани номига расмийлаштирамоқчи бўлганида, автомашина АТБ Капиталбанк Наманган вилоят филиалида таъқиқда эканини билгани, ҳозирда О.Бойхановга етказилган зарарни ўзи тўлиқ қоплагани, автомашинани эса ўзида олиб қолиб банкдан бўлган қарзларини тўлаб келаётгани, судланувчи А.Тошматовга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи О.Бойхановни суд мажлисидаги, судланувчи А.Тошматов ва Б.Шариповлар қўшниси бўлиши, 2022 йилнинг январь ойида А.Тошматов ва Б.Шариповлар уни уйига келиб, ундан 10 бош қорамолларни 20 кунда бериш шарти билан 51.000.000 сўмга келишиб олиб кетишгани, орадан 20 кун вақт ўтиб, А.Тошматовни топа олмасдан ўртада турган Б.Шариповдан пулларини сўраганида А.Тошматовдан олиши билан унга беришини айтгани, Б.Шариповдан пулларини сўрайвергани сабабли Б.Шарипов А.Тошматов олиб кетган қорамолларни пулини бўлиб-бўлиб, тўлиқ қайтариб бергани, ҳозирда А.Тошматовга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи Ж.Мамажановни суд мажлисидаги, ҳақиқатдан ҳам Тошкент шаҳрида яшовчи И.Қимматовни номида бўлган “Ласетти” русумли 01 X 274 LV автомашинани сотиб бериш учун И.Қимматовни укаси Сардордан олгани, 2022 йил 1 август куни таниши А.Тошматов автомашинани кўриб, сотиб олишини айтгани, А.Тошматов билан автомашинани 10.500 АҚШ долларига келишиб сотгани, А.Тошматов автомашина учун аввалдан унга 2.500 АҚШ доллари бериб, ҳар ойнанинг биринчи санасида 330 АҚШ доллардан бериб туриши лозим бўлгани, бироқ А.Тошматов автомашинани олиб кетиб аввалдан бериши керак бўлган 2500 АҚШ долларини бир ойда беришини айтиб, автомашинани ўзи бошқариб юришини айтгани, бироқ А.Тошматов пулларни бермасдан турли баҳоналар қилиб алдаб юргани, шундан кейин А.Тошматовни топа олмай қолгани, кейинчалик 2022 йил ноябрь ойида қамалаб қолганини билгани, автомашинани суриштирганида, А.Тошматов автомашинани Д.Сатимовнинг хонадонига гаровга қўйиб, ундан пул олиб кетганини билгани, ҳозирда автомашинани қайтариб олиб келгани, ҳозирда ўзи сақлаб келаётгани,



судланувчи А.Тошматовга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

жабрланувчи М.Халимовни суд мажлисидаги, Наманган шаҳрида яшовчи Тошматов Алишер Нурмаатович билан қўшни бўлиб яшаб келиши, судланувчи А.Тошматов 2022 йил март ойида “Ласетти” русумли 50 М 338 QA давлат рақамли автомобилни олиб келиб, автомашина ўзига тегишли экани, уни сотишини айтгани, шунда қўшниси Алишер ака ундан ушбу автомашинани 8.500 АҚШ доллари келишиб олиб қолгани, судланувчи А.Тошматов автомашина пулларини беришни сўраганида, қўшниси Алишер ака 4.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни бериб, қолган пулларни 3 кун ичида автомашинани номига ўтказиб бериши билан беришини айтгани, А.Тошматов пулларни олиб кетгани, 3 кундан сўнг қўшниси Алишер ака билан А.Тошматовни қидириб Чортоқ туманига борганларида, А.Тошматов уларга сотган “Ласетти” русумли 50 М 338 QA давлат рақамли автомашина АТБ Капиталбанк Наманган филиалида таъқиқда эканлигини билганлари, 2022 йил май ойида А.Тошматов уни олдига келиб, 4.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни бериб, автомашинани қайтариб олиб кетгани, шу сабабли судланувчи А.Тошматовга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

бундан ташқари, жабрланувчи Б.Шариповни аризаси (ж.и 5 и.в), ”Капиталбанк” АТБ Наманган филиалидан олинган кредит йиғма жилди нусхаси (ж.и 28 и.в), тилхатларнинг нусхалари (ж.и 30-32 и.в), нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси (ж.и 62 и.в), жабрланувчи Ж.Мамажановни аризаси (ж.и 85 и.в), ”Капиталбанк” АТБ Наманган филиалидан олинган кредит йиғма жилди нусхаси (ж.и 123-144 и.в), гувоҳларнинг терговга қадар суриштирув вақтидаги тушунтириш хатлари, олинган ашёвий далиллар ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар мажмуи билан ҳам исботланган деб топади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Тошматовнинг такроран кўп миқдордаги, Б.Шариповни 7.100 АҚШ доллари пулларини, О.Бойхановни 51.000.000 сўмлик қорамолларини, М.Хақимовни 8.500 АҚШ доллари пулларини ҳамда Ж.Мамажановни 10.000 АҚШ долларлик автомобилни фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори 7-бандида “Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул



деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги судланувчи А.Тошматовни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин.” деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54, 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, А.Тошматовга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарлар тўлиқ қопланиб, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, унга нисбатан у айбли деб топилаётган ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида, жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2022 йил 22 августдаги ҳукмига кўра тайинланган 27.000.000 сўм жарима жазосининг тўланмаган 16.750.000 сўм қисмини ЖКнинг 61-моддаси тартибида қўшиб узил-кесил жазо тайинлашни;

-етказилган зарар тўлиқ қопланиб, жабрланувчиларнинг судланувчи А.Тошматовга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни;

-жиноят ишига қўшилган икки дона DVD дискни иш ҳужжатларига қўшиб сақлашни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 211, 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Тошматов Алишер Махамаджанович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Тошматов Алишер Махамаджановичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг



168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2022 йил 22 августдаги ҳукмига кўра тайинланган 27.000.000 сўм жарима жазосининг тўланмаган 16.750.000 сўм қисмини кўшиб, ўташ учун иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳамда 16.750.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида А.Тошматовни 2022 йил 8 ноябрдан 12 декабрга қадар қамоқда бўлган 35 кунни бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан 3 ой 15 кунни чегириб ташлаб, ўташ учун 1 (бир) йил 8 (саккиз) ой 15 (ўн беш) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин. Жазо муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Тошматов Алишер Махамаджановичга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дархол суд залидан қамоқдан озод қилинсин.

Етказилган зарар тўлиқ қопланиб, жабрланувчиларнинг судланувчи А.Тошматовга нисбатан даъволари йўқлиги ҳақидаги аризалари инобатга олинсин.

Жиноят иши бўйича ёзма ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, ишга қўшилган икки дона DVD диск иш ҳужжатларига кўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида Наманган вилоят судига шикоят беришлари ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

И.Жаббаров

